

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
БОЖХОНА ИНСТИТУТИ**

**ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари тўплами*



Тошкент - 2022 й

“Иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. - Тошкент. ДБК БИ, 2022 й. -168 б.

Тўпламда иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари ва истиқболлари юзасидан баён этилган тезислар берилган.

Уларда божхона маъмурчилигини такомиллаштириш, божхона тизимини жадал ислоҳ қилиш, божхона маъмурчилигини янада соддалаштириш орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш механизминини такомиллаштириш, божхона тартиб-таомилларини ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида уйғунлаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган божхона ислохотларини ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини ошириш, рақамли божхонани ривожлантириш йўналишлари бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Таҳрир ҳайъати:

т.ф.д., профессор К.Каримқулов
и.ф.д., доцент Ш.Муратова
к.ф.н., доцент З.Садиков
т.ф. PhD Ф.Хакимова

Тезислар мазмуни ва келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф масъул ҳисобланади.

Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти, 2022 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ СЎЗИ

6

1. ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

А.Шадманкулов, М.Мухаммадиева. Халқаро ташкилотлар ва хорижий божхона хизматлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш йўналишлари.....	9
D.Turgunov. In the process of economic integration to improve the mechanisms of the financing system in innovative development.....	13
У.Батиров. Божхона органларида хавфни бошқариш тизимини қўллашнинг назарий–иқтисодий аҳамияти ва оқибатлари.....	15
Д.Байжанов. Анъанавий ва ислом банкчилиги ўртасидаги асосий назарий ва амалий фарқлари.....	20
Б.Байхонов, У.Отажанов. Иқтисодий ривожланишда “рақамли” иқтисодиётнинг аҳамияти.....	24
У.Саидов Халқаро йўлларда ташиш китобчаси қўлланилишининг айрим жиҳатларига оид.....	27
Қ.М.Каримкулов, Ш.Ж.Содиқжонов. Ўзбекистон божхонасида амалга оширилаётган ислохотлар: натижалар ва истиқболдаги устувор йўналишлар.....	31
З.Абдуллаев. Халқаро операцияларда молиявий хизматларни солиққа тортиш масалалари.....	34
Sh.Muratova, I.Matkarimova. Iqtisodiy integratsiya jarayonlarida oziq-ovqat tovarlari xavfsizligini ta'minlash masalalari.....	36
Н.Жабборова. Анализ последствий вступления в вто развивающихся стран и рекомендации для узбекистана.....	39
З.Куватова. Ўзбекистон бож-тариф тизимини иқтисодий интеграция жараёнларга мувофиқлаштиришдаги муаммолар ва уларга таъсир этувчи омиллар.....	45
А.Юсупов. Жаҳон савдо ташкилотига интеграциялашув тажрибаси.....	50
Н.Р.Рахмонова. Хорижда рўйхатга олинган автотранспорт воситаларини фуқаролар томонидан вақтинчалик олиб кириш тартибини жорий этишга оид муаммолар.....	55
S.Salamov. Xalqaro bojxona hamkorligi innovatsion biznesni optimallashtirishning asosiy vositasi sifatida.....	60
E.Shadmanov. O'zbekistonda tashqi iqtisodiy faoliyat yo'nalishlari va milliy manfaatlarga tahdidlar.....	62
Ш.Тўлаганова. Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва бошқаришни кучайтиришнинг зарурлиги.....	67

kofe, shirinliklar, kartoshka, farmasevtika mahsulotlari, kiyim-kechak, trikotaj, charm, poyabzal, avtomobillar (yengil, yuk va maxsus ishlarga mo'ljallangan), qora va rangli metallar hamda ulardan yasalgan mahsulotlar, teleradio apparatura, mashinalar uskuna jihozlar importining asosiy bandlarini tashkil etadi.

Mamlakat chetdan oladigan jami tovarlarning 18.2% dan ko'prog'ini oziq-ovqat mahsulotlari tashkil qiladi. Bozor iqtisodiyoti munosabatlarining qaror topishi darajasiga qarab Respublikaning oziq-ovqat mahsulotlariga ehtiyojlari mamlakatning o'zida ishlab chiqarilgan mahsulotlar hisobiga qondirilishining uzoq muddatli rejasi belgilangan.

Respublika uchun xorijiy sarmoyadorlarni iqtisodiyotini barqarorlashtirish va yanada rivojlantirish dasturini amalga oshirishga jalb qilish, chet ellik tadbirkorlar va xalqaro tashkilotlar bilan ishlab chiqarish sohasida qisqa vaqtda foyda ko'rib ishlashni ta'minlaydigan loyihalarni amalga oshirish uchun investisiya fondini tashkil etish muhim ahamiyatga ega. Yuqoridagilarni hammasi mustaqil davlatimizning tashqi jahon bozoriga faol kirib borish, xorijiy sheriklar bilan hamkorlikni yo'lga qo'yish, jahon hamjamiyatiga integrasiyalanish imkoniyatlari yaratildi.

Foydalanigan adabiyotlar ro'yxati

1. "Tashqi iqtisodiy faoliyat to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining qonuni 26.05.2000 yildagi 77-II-son. <https://lex.uz/docs/-67345>
2. "Tashqi iqtisodiy faoliyatni amalga oshirishda ma'muriy tartib-taomillarni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 23.04.2019 yildagi PQ-4297-son. <https://lex.uz/docs/-4302716>
3. "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son Farmoni. <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>
4. O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasi. <https://stat.uz/uz/>

БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИ ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тўхсанов Қудратилло Нозимович,

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Солиқлар ва сугурта иши кафедраси доценти, PhD,
Email: qudrat8039@gmail.com*

Мамлакат ташқи савдо фаолиятини имтиёзлар механизми воситасида тартибга солиш божхона тартибга солишнинг муҳим йўналишларидан биридир. Давлат фаровонлиги нафақат иқтисодиётнинг ички ҳолати, балки ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш даражаси билан ҳам белгиланади ҳамда унинг барқарор иқтисодий ўсишига бевосита ҳисса қўшади. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишга ёндашувлар нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш керакки, миллий ва хорижий амалиётда протекционистик ва эркин савдо ёндашувлари анча ривожланган.

Протекционистик савдо импорт қилинадиган товарларга юқори ставкаларни ўрнатишни ва шу билан маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишни назарда тутлади. Эркин савдо эса, аксинча, чет эл товарлари импортини рағбатлантириш мақсадида камайтирилган импорт божлари белгиланади. Божхона имтиёзларининг ўзига хослиги шундаки, улар айрим турдаги товарларни олиб киришни (экспорт қилишни) рағбатлантириш учун ҳам, давлатнинг халқаро ҳуқуқ тамойилларига риоя қилиш зарурати билан боғлиқ ҳолда ҳам қўлланилиши мумкин, масалан, ривожланаётган ёки кам ривожланган мамлакатлардан товарларни олиб кириш учун пасайтирилган ёки ноль даражали ставкаларни белгилаш ва бошқалар мисол бўлади[1].

Бундан ташқари, божхона имтиёзлари одатда махсус иқтисодий мақомга эга бўлган зоналарда савдо қоидаларини ўрнатишда қўлланилади (МИЗ) [2].

Ички бозорга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган товарларга нисбатан божхона имтиёзлари жорий этилмайди. Қонунчиликда «божхона имтиёзи» тушунчасининг мазмуни ошқор этилмайди.

Илмий адабиётларда божхона имтиёзлари божхона тўловлари, божхона расмийлаштируви ва товарларни назорат қилиш (масалан, С.Халипов [3], Л.Гончаренко, А.Артемов [4], О.Бакаева, И.Кочубей [5]) тадқиқотларида ўрганилган. Божхона имтиёзлари юмшатовчи характердаги божхона ишлари истисноларининг қайси соҳасига қараб таснифланиши мумкин.

Имтиёзларнинг бундай бўлиниши молиявий имтиёзларни (божхона тўловлари билан боғлиқ) ва маъмурий имтиёзларни (божхона операциялари ва божхона назорати соҳасида) ажратиш имконини беради (1-расмга қаранг).


Божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар, юқорида айтиб ўтилганидек, божхона қонунчилигига мувофиқ, тўлов турига қараб бўлинади:

– тариф имтиёзлари ва преференциялар, яъни импорт ва экспорт божларини тўлаш учун имтиёзлар. Улар бож тўлашдан озод қилиш, бож ставкасини пасайтириш, товарларни имтиёзли олиб кириш (экспорт қилиш) учун тариф квоталарини белгилаш шаклида тақдим этилиши мумкин. Шунингдек, илмий адабиётларда баъзи ҳолларда божларни тўлаш муддатини ўзгартириш, шунингдек илгари тўланган божларни қайтариш имконияти фойда сифатида қаралади;

- солиқларни тўлаш учун имтиёзлар (ҚҚС, акциз солиғи).
- божхона тўловларини тўлаш учун имтиёзлар (божхона операциялари, сақлаш, техник хизмат кўрсатиш учун).

“Тариф имтиёзлари” ва “тариф преференциялари” нинг ўзига хос хусусияти уларни тақдим этиш учун асосдир. Тариф преференциялари пасайтирилган ставкалар шаклида тақдим этилади, лекин товар келиб чиққан мамлакатга қараб тавсифланади.

Бошқа барча ҳолатларда, ишлаб чиқарилган мамлакат ҳал қилувчи омил бўлмаганда, афзалликлар (истиснолар) одатда «тариф имтиёзлари» деб номланади. Тариф имтиёзларини бериш учун асослар бошқача бўлиши мумкин.



1-расм. Божхона имтиёзи турлари.

Мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар учун энгиилликлар яратиш мақсадида республикада импортда божхона тўловларидан имтиёзлар қўллаш тизими жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 296-моддасига мувофиқ, ушбу Кодексга, бошқа қонунларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига биноан юридик ва жисмоний шахсларга тариф имтиёзлари, қўшилган қиймат солиғини, акциз солиғини ва божхона йиғимларини тўлаш бўйича имтиёзлар, тариф преференциялари берилиши мумкинлиги белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида божхона тўловлари бўйича таъриф имтиёз ва преференциялари кўпгина ҳолларда умумий ҳолда эмас балки, хусусий ҳолда берилаётганлигини

кўриш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда божхона тўловларидан имтиёзлар ва преференциялар қўлланилиши назарда тутувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилиб чиқилганда, 1200 дан ортиқ расмий ҳужжат асосида тариф имтиёз ва преференциялари тақдим этилган. Хусусан, улардан 658 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари асосида, 509 таси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида, 2 та Ўзбекистон Республикаси кодекси (божхона ва солиқ), 5 та Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 31 та халқаро шартномалар асосида амалга тақдим этилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Мамлакатимиз божхона соҳасида божхона тўловлари бўйича берилаётган имтиёз ва преференцияларни қўллашда қуйидаги камчиликлар мавжуд:

- товарлар божхона расмийлаштирувидан ўтказилаётганда уларнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича (ТИФ ТН) код рақамларини имтиёз берилаётган код рақамларига ўзгартириш орқали расмийлаштириш ҳолатлари;

- имтиёз берилган товарларни расмийлаштиришда ҳужжатларни сохталаштириш ҳолатлари;

- имтиёз берилган товарлар нархини сунъий равишда ошириш ҳамда пасайтириш ҳолатлари.

Умуман олганда, божхона тўловларидан берилаётган имтиёз ва преференциялари самарадорлигини оширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси эркин савдо зонаси тўғрисидаги битимга эга давлатлар орасида 2020-йилда 2 та давлат билан фаол ташқи савдо балансига эга яъни Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари билан. Қолган ҳамкор давлатлар билан ўтган йилда нофаол баланс кузатилган. Тариф преференцияларини самарадорлигини ошириш ва юқоридаги давлатлар билан фаол ташқи савдо балансига эришиш учун тариф преференцияларидан давлатларга квота белгилаш таклиф этилади.

- божхона тўловларидан бериладиган имтиёзларнинг мақсадли ишлатилиши ва айрим хато-камчиликлар натижасида қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини тўлиқ ундириб олинишига эришиш ҳамда товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назоратининг самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг “Товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назорати” номли 201-моддасининг иккинчи қисмини “Товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назорати ҳамда божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаш товарларнинг божхона назорати остида бўлиши тугаган пайтдан эътиборан уч йил (амалда 1 йил) ичида амалга оширилиши мумкин” деб ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- Ўзбекистонга божхона тўловларидан берилган имтиёзлар 2020-йилда давлат бюджетига ўтказилган маблағлар ҳажмидан 1,6-мартага кўп эканлигини, бу эса импорт ҳажмини кўпаётганлигига ижобий таъсир этаётганлигини ва бу

холат ташқи савдода салбий салдога олиб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Республикамизда импорт товарларини оптималлаштириш ва рақобат муҳитини яхшилаш, миллий товарларни чет элларда харидоргирлигини ошириш мақсадида монопол корхоналарни камайитириш ва божхона тўловларидан имтиёзлар бериш механизмини хусусий-манзилли механизмидан умумий – товарларга нисбатан қўллаш механизмини жорий этиш тавсия этилади.

- алоҳида товарларнинг импортига нисбатан божхона божларидан имтиёзларни бекор қилиш, давлат эҳтиёжи учун зарур айрим товарларга квота божхона божларини (маълум миқдордаги товарларга паст ставкаларни) белгилаш ва республикамизнинг эҳтиёжидан ортиқча қисмидаги товарларга юқори ставка белгилаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кочубей И.С. Классификация правовых льгот в области таможенного дела / И.С. Кочубей // Право и государство: теория и практика. — 2007. — № 10 (34). — С. 122–127.
2. Синенко О.А. Практика применения таможенных льгот в рамках территорий с особым экономическим статусом АТР / О.А. Синенко // Инновационное развитие экономики. — 2020. — № 3 (57). — С. 123–134.
3. Халипов С.В. Таможенные льготы в праве Евразийского экономического союза и законодательстве Российской Федерации / С.В. Халипов // Российский внешнеэкономический вестник. — 2017. — № 4. — С. 107–113.
4. Гончаренко Л.И. Теоретические и практические проблемы применения льгот в сфере таможенного обложения в условиях функционирования Таможенного союза (БелоруссияРоссия-Казахстан) / Л.И. Гончаренко, А.А. Артемьев // Инновационное развитие экономики. — 2012. — № 4 (10). — С. 25–29.
5. Бакаева О.Ю. Льготы в таможенном законодательстве / О.Ю. Бакаева, И.С. Кочубей // Право и экономика. — 2008. — № 5. — С. 94–102.

TABIIY QIZIL BO'YOQLI O'ZIMLIKLARNI SINFLASH

E.Xaydarov,

Namangan davlat universiteti erkin tatqiqotchisi

D.Xaydarova,

*Namangan davlat universiteti kimyo fanlari
bo'yicha falsafa fanlari doktori*

Sh.Abdullayev,

*Namangan davlat universiteti kimyo
fanlari doktori professor*

Iqtisodiy integratsiya jarayonlarini chuqurlashtirish sharoitida tashqi iqtisodiy faoliyatni takomillashtirish masalalari xalqaro tashkilotlar va xorijiy davlatlar bojxona xizmatlari bilan o'zaro manfaatli hamkorlikni yanada rivojlantirish masalasini takomillashtirishda xalqaro tashkilotlarning standartlari va tavsiyalarini

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари тўплами

Мухаррир: Ш.Муратова
Техник мухаррир: З.Садиков

Босишга 2022 йил 20 декабрда рухсат берилди Times New Roman. Шрифт 14. Қоғоз босими 60х90. 1\16. Босма тобоғи 10.5. Адади: 5 нусха Давлат божхона қўмитаси Божхона институтининг босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш. Қозиробод 2 тор кўча 118-уй.